



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

6 (56) 2023

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
С.И. ИСМОИЛОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

6 (56)

2023

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

ИЮНЬ

УДК 616.155.194-08.616.15

ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ АНЕМИЯСИ БИЛАН ОҒРИГАН БОЛАЛАРДА ҲАЁТ СИФАТИ ВА УНИНГ ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ

Ф.Р. Камалова <https://orcid.org/0000-0003-0891-4256>
М.М. Жуманиязова <https://orcid.org/0009-0007-6245-7611>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Резюме

Анемия бу – мустақил касаллик ҳисобланмасдан, балки энг кўп тарқалган касаллик симптомларидан ҳисобланади. Ҳозирги вақтда дунё бўйича 2 миллиардга яқин одам анемиядан азият чекади. Аҳамиятлиси шундаки, бу касаллик билан кўпроқ болалар оғрийди. Бутун жаҳон соғликни сақлаш ташиқилоти маълумотларига қараганда 47,4 % мактабгача ёшдаги, 25,4% мактаб ёшидаги болаларда анемиянинг у ёки бу шакли учрайди. Анемия оғиз бўшлиғи ҳолатига жуда сезиларли таъсир қилиб, жиддий стоматологик муаммоларни келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун бу касалликнинг кечиши ва унинг оғиз бўшлиғи аъзоларига таъсири ҳақидаги маълумотлардан болалар стоматологлари етарлича маълумотга эга бўлишлари керак. Стоматология соҳасидаги замонавий изланишлар орал саломатлик ва унинг бошқа метаболик, ҳамда тизимли касалликлар билан боғлиқлигини ўрганишга қаратилган.

Калит сўзлар: темир танқислиги анемияси, стоматологик саломатлик, ҳаёт сифати

МЕДИКО – СОЦИАЛЬНАЯ ОЦЕНКА И КАЧЕСТВА ЖИЗНИ ДЕТЕЙ СТРАДАЮЩИХ С ЖЕЛЕЗОДЕФИЦИТНОЙ АНЕМИЕЙ

Ф.Р. Камалова <https://orcid.org/0000-0003-0891-4256>
М.М. Жуманиязова <https://orcid.org/0009-0007-6245-7611>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz
Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область, город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Резюме

Анемия — или пониженный уровень гемоглобина в крови — не самостоятельное заболевание, а симптом, который встречается достаточно часто. Во всем мире около 2 миллиардов людей страдает от анемии. Причем чаще всего симптом диагностируется у детей. По данным ВОЗ, анемия в той или иной степени присутствует у 47,4% дошкольников и у 25,4% детей школьного возраста. Анемия оказывает наиболее значительное влияние на состояние полости рта. Поэтому детские стоматологи должны быть осведомлены об особенностях течения заболеваний полости рта у детей с анемией. Современные исследования в области стоматологии направлены на выявление связи между оральным здоровьем и различными метаболическими и системными заболеваниями. Анемия среди детей - это один из наиболее распространенных нарушений в общей популяции и предрасполагающий к различным сопутствующим заболеваниям и осложнениям, влияющим на общее состояние здоровья.

Ключевые слова: железodefицитная анемия, стоматологическое здоровье, качества жизни.

MEDICO-SOCIAL ASSESSMENT AND QUALITY OF LIFE OF CHILDREN SUFFERING FROM IRON DEFICIENCY ANEMIA

F.R. Kamalova <https://orcid.org/0000-0003-0891-4256>
M.M. Jumaniyazova <https://orcid.org/0009-0007-6245-7611>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina Uzbekistan Bukhara, A.Navoi st. 1
Tel: +998(65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz
Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city, Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ *Resume*

Anemia - or a low level of hemoglobin in the blood - is not an independent disease, but a symptom that occurs quite often. Around the world, about 2 billion people suffer from anemia. Moreover, most often the symptom is diagnosed in children. According to WHO, anemia is present to some extent in 47.4% of preschool children and 25.4% of school-age children. Anemia has the most significant impact on oral health. Therefore, pediatric dentists should be aware of the peculiarities of the course of oral diseases in children with anemia.

Modern research in the field of dentistry is focused on identifying the relationship between oral health and various metabolic and systemic diseases. Anemia among children is one of the most common disorders in the general population and predisposes to various comorbidities and complications affecting general health.

Key words: iron deficiency anemia, dental health, quality of life.

Долзарблиги

Замонавий тиббиётнинг ривожланиб боришига қарамасдан, ҳозирги вақтда болалар контингенти орасида анемиянинг учраши ва ортиб бориши мутахассислар олдида қатор вазифаларни қўяди. Анемия бу – мустақил касаллик ҳисобланмасдан, балки энг кўп тарқалган касаллик симптомларидан ҳисобланади. Ҳозирги вақтда дунё бўйича 2 миллиардга яқин одам анемиядан азият чекади. Аҳамиятлиси шундаки, бу касаллик билан кўпроқ болалар оғрийди. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда 47,4% мактабгача ёшдаги, 25,4% мактаб ёшидаги болаларда анемиянинг у ёки бу шакли учрайди.

Анемия оғиз бўшлиғи ҳолатига жуда сезиларли таъсир қилиб, жиддий стоматологик муаммоларни келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун бу касалликнинг кечиши ва унинг оғиз бўшлиғи органларига таъсири ҳақидаги маълумотлардан болалар стоматологлари етарлича маълумотга эга бўлишлари керак. Стоматология соҳасидаги замонавий изланишлар орал саломатлик ва унинг бошқа метаболик, ҳамда тизимли касалликлар билан боғлиқлигини ўрганишга қаратилган.

Анемия болалар орасида энг кўп тарқалган касаллик бўлиб, у кўпгина асосий касалликларнинг асорати сифатида юзага чиқади, ҳамда боланинг умумий ҳолатига таъсир кўрсатади [J.L.Harding, M.E. Pavkov, D.J. Magliano, J.E. Shaw, E.W. Gregg, 2019].

Бутун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти (БЖСС) маълумотларига қўра аҳоли орасида санитар-оқартув ишларини олиб бориш касалликни даволаш учун кўплаб харажат қилишга қараганда тиббий ёрдам кўрсатишнинг энг самарали усулларидадан бўлиб ҳисобланади. Оғиз бўшлиғи саломатлигини эътиборга олиш ушбу касаллик билан оғриган болаларни парвариш қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бунда асосий касаллик стоматологик касалликнинг кечишини ҳам оғирлаштириши мумкин.

Пародонт касалликлари ва кариес ушбу туркумдаги беморлар орасида энг кўп учрайдиган сурункали стоматологик муаммо ҳисобланади. Пародонтдаги яллиғланиш фақатгина пародонт тўқимаси билан чегараланмай, тизимли равишдаги ўзгаришларни, шунингдек гингивит ва пародонтдаги оғир бузилишларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Гемоглобин бу – темир сақлайдиган оксил бўлиб, унинг вазифаси – организм ва тўқималарга кислород боришини таъминлайдиган элементдир. Унинг етишмовчилигида эса организм кислородга тўйинмайди. Бу ҳақдаги маълумотни қоннинг умумий таҳлилидан осонгина олиш мумкин. Болалар ёшидаги анемия сабабларига келадиган бўлсак, ёш организмнинг қон

элементлари ҳали батамом етилиб улгурмаган ва унинг ишлаш механизмига кам аҳамиятли сабаблар ҳам жиддий таъсир қилиши мумкин. Болалар ёшидаги анемиянинг бошқа сабаблари ҳам мавжуд: тез ва интенсив ўсиб бораётган организм учун катта микдордаги озуқа моддалари зарур, ичак гельминтлари ва бошқалар. Иштаҳанинг йўқлиги ва заиф иммун ҳолат боланинг тез-тез касал бўлишига, турли касалликларга чалинишига, инжиқлик, бесаранжомлик ва кам ҳаракат ва тана вазнининг тушиб кетишига олиб келади. Бундан ташқари болалар ўқув машғулотида улгурмаслик, беҳоллик ва таъсирчан бўлиб қолишади.

Тадқиқот мақсади: Темир танқислиги мавжуд мактаб ёшидаги болаларда оғиз бўшлиғи ҳолатини ўрганиш ва стоматологик ҳолатга баҳо бериш, улар орасида стоматологик касалликларни олдини олиш.

Материал ва усуллар

Олдимизда қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда биз ўз олдимизга қўйидаги вазифаларни белгилаб олдик: Хоразм вилояти Ургенч тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимида доимий назоратда ва даволанишда бўлган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган темир танқислиги мавжуд бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни йиғиш; темир танқислиги анемияси билан оғриган болалар оғиз бўшлиғи ҳолатини ўрганиш, стоматологик текширувлар олиб бориш (ГИ, ПМА, ТЭР, КЭ); темир танқислиги анемияси билан оғриган болаларда ҳаёт сифатини ўрганиш; ушбу туркумдаги болаларда стоматологик касалликларни олдини олиш профилактик алгоритминини ишлаб чиқиш;

Натижа ва таҳлиллар

Темир танқислиги анемияси билан оғриган болаларда стоматологик ва оғиз бўшлиғи ҳолатини ўрганиш мақсадида Хоразм вилояти Ургенч тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимида даволанаётган 52 нафар бола тадқиқот учун танлаб олинди. 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган тиш кариеси ва унинг асоратлари мавжуд бўлган 52 нафар бемор болалар тиш кариесини комплекс профилактикасини анемияси мавжуд болаларда олиб бориш стоматологик беморлар касаллик варақаси ёрдамида ретроспектив сўровлар, клиник-стоматологик, оғиз бўшлиғи гигиеник индекси, папиляр, маргинал, алвеоляр индекс, кариеснинг тарқалиш ва жадаллик индекслари орқали текширишлар ўтказилди. Назорат остига олинган бемор болалар ёши ва жинсига қараб гуруҳларга бўлинди. Боланинг ўсиб улғайиши учун туғруқ анамнезининг роли муҳимдир. Аниқланишича, физиологик туғруқлар 34 (71,9%) нафар болаларда, қолган 18 (28,1%) нафар беморда патологик туғруқ кузатилган (туғруқнинг сустиги, кесарча – кесиш, йўлдошнинг олдинда жойлашуви, вакуум-экстракция ва қоғонок сувининг олдиндан кетиши). Постнатал даврда боланинг соғлом ўсиб улғайиши ва иммунитетнинг мустаҳкам бўлиши учун она сути билан озиқланиш катта аҳамиятга эга. Назорат остига олинган бемор болаларимизни ретроспектив таҳлил қилганимизда шу аниқландики, табиий озиқланиш 8 (17,2%) нафар бемор болаларда, сунъий озиқланиш – 18 (40,7%) нафар бемор болаларда ва аралаш озиқланиш – 26 (22,1%) нафар болаларда аниқланди. Умумий қилиб олинганда аксарият болалар аралаш озиқланишда бўлишган, бизнинг фикримизча бу ҳолат ушбу контингентдаги болаларда патологик жараённинг ривожланишига муҳим рол ўйнайди [1.3.5.7.9].

Кўпгина олимлар томонидан олиб борилган текширув натижалари шуни кўрсатадики, боланинг тўлақонли ўсиб улғайиши учун озиқланишнинг аҳамияти катта бўлиб, бу ҳолат бузилса ўсувчи бола организмига кўпгина орқага қайтмайдиган асоратларни олиб келиши мумкин.

Тиш ва тиш қаторларининг текшируви юқори жаҳдан бошланиб, стоматологик ойна ва зонд ёрдамида маълум тартибда амалга оширилди ва кетма-кет ҳар бир тиш кўрикдан ўтказилди. Тишлар ёйи қаторининг бузилиши, тишларнинг яқин жойлашуви, трема ва диастемалар бўлиши, жароҳатли окклюзия аломатларини аниқлаш кабилар ўтказилди. Ҳар бир тиш кўригида унинг ҳолати, шакли, ранги, қаттиқ тўқималарнинг ҳолати (кариес, флюороз, гипоплазия билан зарарланиши), тишнинг турғунлиги, тиш қаторининг окклюзия юзасига нисбатан ҳолатига эътибор берилди.

Тиш ҳолатини баҳолаш учун БЖССТ мутахассислар қўмитаси тавсия қилган кўрсаткичлар қўлланилди.

Оғиз бўшлиғининг аъзолари текширувдан ўтказишда анъанавий стоматологик асбобларнинг тўплами ёрдамида сунъий ёруғликда стоматология хонасида олиб борилди ва кариес касаллигининг интенсивлигини ўрганиш (КПУ индекси), ТЭР-тест ёрдамида тишларнинг кариесга резистентлигини аниқлаш, кариесни электрометрик усул билан ташхислаш, ёрдамида баҳолаш, РМА индекси ёрдамида пародонт тўқималарининг ҳолатини аниқлаш кабиларни ўз ичига олди [2.4.6].

Бу хасталикка чалинган беморларнинг оғиз бўшлиғи стоматологик кўрсаткичи уларнинг умумий саломатлиги ва касалликнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Анемия билан оғриган болаларда пародонтал касаллик ва тиш кариеси энг кенг тарқалган сурункали касалликлардан ҳисобланади. Пародонтитдаги яллиғланиш жараёнлари фақат оғиз бўшлиғи билан чегараланиб қолмасдан, шунингдек, тизимли оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Темир танқислиги анемияси билан оғриган болаларда гингивит ва пародонт касалликлари (ПК) бошқа стоматологик касалликларга нисбатан кўп учрайди. Пародонтал касаллик бу туркумдаги болаларда (ПК) соғлом аҳолига қараганда эрта ривожланади, ҳамда узоқ давом этиши натижасида пародонт ҳолати янада ёмонлашади. Бундан ташқари, болалар кариеси (БК) темир танқислиги билан оғриган болаларда кўп учрайдиган ва унинг сабаблари турли факторларга боғлиқ бўлган стоматологик касаллик ҳисобланади, аммо тадқиқотларда унинг тарқалиши ҳақида аниқ маълумот мавжуд эмас. Гингивит, пародонтит ва кариеснинг кечишида кескин фарқ мавжуд эмас, масалан, бу касалликларнинг келиб чиқишида оғиз бўшлиғи гигиенасига ва тўғри овқатланиш қоидаларига риоя қилмаслик сабаб бўлади. Тишларни мунтазам ювмаслик ва ширин озиқ-овқат маҳсулотларини ҳаддан ошиқ истеъмол қилиш оғиз бўшлиғи ҳолатига янада зарарли таъсир кўрсатиши мумкин. Оғиз бўшлиғи саломатлигини сақлаш сурункали стоматологик касалликларнинг олдини олишга ва сурункали яллиғланиш оқибатларини юмшатишга ёрдам беради [8.10.12.14.16.18].

Темир танқислиги билан оғриган болаларга кариес нима ва у қандай келиб чиқишини оддий ва содда қилиб тушунтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Кариес келиб чиқиши учун сабаб бўладиган асосий омил бу-тиш қарашларидир. Оғиз бўшлиғи микроорганизмлари вақт ўтиши билан ўздан тиш тўқималарини емирувчи органик кислоталар ишлаб чиқаради. Кислоталар таъсирида тишнинг эмал қавати юмшаб, микроблар тишнинг барча қаватларига янада чуқурроқ синга бошлайди. Озиқ овқатни тўғри танлаш, ширинликларни кам истеъмол қилиш кариес хавфини камайтиради. Тиш тўқималарининг мустаҳкам бўлиши учун кальций, фтор, ва Д витамини муҳим ўрин тутаяди. Болаларга овқат рационида витаминлар, оксил моддалар ва микроэлементлар етарли даражада бўлиши кераклиги тушунтирилади. Тишларнинг мустаҳкам ривожланиши учун энг муҳими кальций ҳисобланади, у суяк учун қурилиш ашёси бўлиб хизмат қилади. Кальций сут, пишлоқ, творог таркибида кўп бўлади. Суткалик кальцийга бўлган эҳтиёж тахминан 1000 мг га тенг бўлади. Гўшт ва балиқ маҳсулотлари эса тушлик вақтида унинг миқдори тахминан 1000 гр ни ташкил қилади [9.11.13.15.17.19].

Хулоса

Темир танқислиги анемияси билан оғриган болаларга тиш мустаҳкамлиги учун зарур бўлган фтор элементининг ҳам аҳамиятини тушунтирилади. Фтор тишларнинг реминерализациясини кучайтиради ва тишга мустаҳкамлик бериб, унинг ташқи қисмини емирилишдан сақлайди. У кислота ҳосил бўлишини камайтириб, бактерия метаболизмни ва ўз навбатида деминерализацияни ҳам пасайтиради. Ичимлик сувида фтор миқдори кам бўлса (0.7 мл/г дан кам), унинг миқдорини нормага етказиш, тишларида кариес бўлса фторланган сув ичиш тавсияси берилади. Кариес профилактикаси мақсадида таркибида фтор сақламайдиган препаратларни ҳам болаларга тавсия қилиш мумкин. Бу препаратлар самарадорлиги жиҳатидан фторли пасталардан қолишмайди. Агарда улар фторидли фторидлар билан биргаликда қўлланилганда яхши натижалар берилади. Мазкур даво воситалар таркибида калций, фосфор, магний калий, натрий, органик моддалар, марганец, темир, рух, мис ва бошқа микроэлементлар мавжуд. Бу хилдаги пасталар ранги оқ порошок шаклида бўлиб, сувда яхши эрувчандир, уни эритма шаклида бошланғич кариес ва гиперестезияда қўллаيمиз. Бу шаклдаги пасталарни тишлар юзасига аппликация усулида ҳам суриш мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аболенская А.В., Усанова Е.П., Маткиевский Р.А., Разживина У.Н. Ранние признаю! экологического неблагоприятного воздействия на детский организм. Медико-соц. и правовые аспекты охраны материнства и детства -Екатеринбург, (1992):8.
2. Бабаджанова Д.Д., Кошель И.В., Марков Х.М., Задкова Г.Ф. и др. Агрегация и биосинтез простагландинов в тромбоцитах у детей с хронической идиопатической тромбоцитопенической пурпурой. Педиатрия. (1987) 8:43-45.
3. Казакова Л. М. Макрушин И. М. Иммуитет при дефиците железа Педиатрия. (1992) 10-12:54-59.
4. Никитин Д.О., Тиранова С.А., Петрова Э.М. Классификация и современная терапия приобретённых апластических анемий у детей Гематол. и трансфузиол. (1993) 1:15-19.
5. Vincze A., Karadi O., Hunyady B., Pakodi F., Suto G., Mozsik G. One year follow-up of patients after successful helicobacter pylori eradication therapy J. Physiol. Paris. (2001) Jan-Dec; 95(1-6):457-60.
6. Камалова Ф.Р. Реплантиция зубов при хроническом периодонтите// Сборник статей Международная научно-практическая конференция. “Актуальные вопросы стоматологии”. (2017):117-119.
7. Камалова Ф.Р., Афакова М.Ш. Реплантиция зубов при остром гнойном периостите Новый день в медицине. (2019) 3(27):124-125.
8. Камалова Ф.Р., Иноятов А.Ш. Влияние препарата ИРС -19 на микрофлору полости рта у больных острым периоститом Проблемы биологии и медицины. (2007) 2:81-82.
9. Камалова Ф.Р., Иноятов А.Ш. Реплантиция зубов, консервированных раствором Викон Материалы всероссийского конгресса и республиканской конференции стоматологов. Республики Башкортостан. (2007):22.
10. Камалова Ф.Р., Иноятов А.Ш., Бафоев Ж.Т. Изучение эффективности ИРС-19 у больных с острым периоститом Материалы XV Международной конференции челюстно-лицевых хирургов и стоматологов. (2010):28.
11. Камалова Ф.Р., Казакова Н.Н. Показатели распространенности и интенсивности кариеса зубов у детей Бухарской области// «Актуальные вопросы стоматологии детского возраста» 2-ая Всероссийская научно-практическая конференция, посвященная 90-летию со дня рождения профессора Сайфуллиной Х.М. Казань. (2019):75-79.
12. Камалова Ф.Р., Муллаев Т.М. Применение аутогемотромбоцитарной массы в хирургической стоматологии Международная научно-практическая конференция. “Актуальные вопросы стоматологии”. (2018):57-58.
13. Камалова Ф.Р., Муллаев Т.М. Эффективность применения остеопластических биоматериалов в амбулаторной хирургической стоматологии// Новый день в медицине. (2018) 3(23):180-182.
14. Камалова Ф.Р., Мусаев Ш.Ш. Изучение и ретроспективный анализ врожденных пороков ЧЛЮ у детей Сборник статей Международная научно-практическая конференция. “Актуальные вопросы стоматологии”. (2017):108-110.
15. Камалова Ф.Р., Мусаев Ш.Ш. Оптимизация заживления ран слизистой оболочки полости рта Сборник статей Международная научно-практическая конференция. “Актуальные вопросы стоматологии”. (2017):110-112.
16. Камалова Ф.Р., Мусаев Ш.Ш. Совершенствование лечения и профилактика одонтогенных воспалительных заболеваний у детей Сборник статей Международная научно-практическая конференция. “Актуальные вопросы стоматологии”. (2017):106-108.
17. Камалова Ф.Р., Мусаев Ш.Ш., Ахмедов А.Б., Ражабов А.А. Ошибки и осложнения после эндодонтического лечения зубов у детей и их профилактика Международная научно-практическая конференция. “Актуальные вопросы стоматологии”. (2018):60-61.
18. Камалова Ф.Р., Мусаев Ш.Ш., Ахмедов А.Б., Эронов Ё.К. Профилактика эндодонтических ошибок и осложнений при лечении зубов у детей Новый день в медицине. (2018) 3(23):176-179.
19. Камалова Ф.Р., Олимов С.Ш. Частота встречаемости острого гнойного периостита у детей, аспекты диагностики и лечения “Международная научно-практическая конференция. “Актуальные вопросы стоматологии”. (2017):39-40.

Қабул қилинган сана 20.05.2023